Адабиётларда исботлаш тушунчаси турлича талқин этилади. Жумладан, россиялик олим А. Р. Белкин исботлашни судлов ишларини юритишда ҳақиқатни аниқлаш, уни англаш ва унинг мазмуни тўғрисидаги тасаввурларни асослаш жараёни сифатида қабул қилади [1]. Бошқа россиялик олимлардан Ю.И.Стецовский ва А. М. Лариннинг фикрича, исботлаш тушунчаси кенг ва тор маънога эга жиҳатларда намоён бўлади. Кенг маънодаги исботлаш тушунчаси - бу жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган шахслар, шунингдек қонунда иштироки руҳсат этилган шахслар томонидан далилларни аниқлаш, текшириш ва баҳолаш воситасида жиноят ишига тааллуқли барча ҳолатларни тадқиқ этиш фаолиятидир. Тор маънодаги исботлаш тушунчаси эса, муаллифларнинг фикрича, - бу жиноятнинг содир этилганлиги, уни содир этган шахснинг айбли ёки айбсизлиги ҳамда ишни тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳолатларни далиллар воситасида асословчи маълумотларни судга тақдим этилишидир[2].

Яна бир фикрга кўра, исботлаш - бу жиноят иши бўйича исботланиши зарур бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадини ифода этувчи англаш жараёнидир[3].

Албатта, юқорида ихтибос қилинган фикрлардан исботлашни бевосита ақлий-когнитив жараён (яъни англаш, тушуниш каби жараёнлар) тушунчаси сифатида қабул қилиш мумкин. Бироқ, исботлаш жараёни субъектив, яъни жиноят ишини юритувчи ҳамда қонун билан исботлаш фаолиятида иштирок этишга руҳсат берилган шахсларнинг англаш, тушуниш, муайян билимга эга бўлиш жараёнини ҳамда объектив, яъни иш бўйича аниқланган ёки аниқланиши зарур бўлган маълумотлардан (ашёлар, объектлар, ҳуллас далиллар) иборат яхлит тушунчани намоён қилади. Бу ерда исботлаш тушунчаси субъектив - объектив элементларнинг яхлитлигида кўриб чиқиши мумкин. Чунки, исботлаш - бу ишни юритиш давомида жиноят процессини юритувчи шахслар томонидан далилларни аниқлаш жараёни ҳамда аниқланган далилларнинг улар томонидан тўғри ва асосли англаш билан боғлиқ ақлий-руҳий жараёндир. Мазкур икки жараённинг мақсади ҳам, жиноят ишини ҳал қилиш мақсади - жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсади билан уйғундир. Олимлар томонидан тўғри таъкидланганидек, исботлаш мавжуд барча жиноят-процессуал фаолиятларнинг марказий жараёни, жиноят процессининг эса ажралмас аломатидир[4].

Исботлаш жиноят ишини юритувчи шахсларнинг мураккаб процессуал фаолияти ҳисоблансада, уларнинг асосини ишнинг ҳолатларини аниқловчи маълумотлар ташкил этади. Исботлаш фаолиятининг, жараёнининг объекти - маълумотлардир. Айнан маълумотлар исботлаш жараёнининг: аниқлаш, текшириш, баҳолаш ва намоёиш қилиш фаолияти тизимининг ҳаракатга келишига асос бўлади. Жиноят процессида маълумотлар нима ва уларнинг аҳамияти нималардан иборат, деган саволга ЖПКнинг 81-моддасида муайян даражада жавоб

---

---

топиш мумкин. Унга кўра, "...суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади".

Демак, ўзида ишнинг муайян ҳолатларини аниқлаштирувчи маълумотлар жиноят ишида далил шаклида мавжуд бўлиши мумкин. Бунинг учун маълумотлар жиноят ишини юритувчи шахслар томонидан аниқланиши, текширилиши ва баҳоланиши лозим. ЖПКнинг 81-моддаси далил сифатида мавжуд бўлиши мумкин бўлган маълумотларни эътироф этади. Улардан гувоҳнинг кўрсатувлари ўзига хос ўринга эга бўлган далил ҳисобланади. Гувоҳ ва унинг кўрсатувлари жуда кўпчилик жиноят ишларида асосий далил манбаи сифатида мавжуд бўлади.

Жиноят процессида гувоҳ тушунчаси ҳам бир мунча баҳсли жиҳатларга эга. Чунончи, С. А. Саушкиннинг фикрича, гувоҳ - бу жиноят иши бўйича исботланиши зарур бўлган ҳолатлар ҳақида муайян маълумотга эга бўлган ҳамда жиноят-процессуал қонунга мувофиқ суриштирувчи, тергов, прокурор ва суд томонидан қақрилган ёхуд ўз ташаббуси билан ўзига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида кўрсатув бериш учун келган жисмоний шахсдир[5].

Гувоҳ тўғрисидаги шунга яқин тушунчани Л. И. Родевеч ҳам билдиради. Унинг нуқтаи назарича, гувоҳ - бу ишга тааллуқли бўлган ва аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар ҳақида муайян маълумотга эга бўлган ҳамда эиноят процессини юритувчи шахс ёхуд тарафлар томонидан терговга ёки судга қақрилган шахсдир[6].

В. Н. Шпилевнинг таъкидлашича, гувоҳ - бу содир этилган жиноят ҳамда иш бўйича аниқланиши зарур бўлган бошқа ҳолатлар бўйича, шунингдек айбланувчи ва жабрланувчининг шахси ва улар билан ўзининг муносабатлари тўғрисида маълумотга эга бўлган шахснинг кўрсатув бериш мажбурияти бўлган шахсдир[7].

И. И. Басецкий эса, гувоҳни - муайян ҳодисани бевосита кузатган, шахсан кўрган ёки унинг шоҳиди бўлган; бирон бир шахслардан уларга маълум бўлган ҳодиса ҳақида шахсан эшитган; ҳодисани бевосита кузатмаган (шахсан кўрмаган), муайян шахсдан ҳодиса ҳақида эшитмаган, лекин ушбу ҳодиса ҳақида муайян тасаввурга эга бўлган ҳамда шу ҳақда ўзининг фикрларини баён қилиш ихтидорига эга шахс сифатида таърифлайди[8].

Гувоҳнинг лугавий манбалардаги тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, гувоҳ - бу бирор нарсага тасодифий шоҳид бўлган, бирор ҳодисани бошидан кечирган, кўрган кишидир[9].

Бошқа манбада эса, муайян ҳодисанинг, воқеанинг шахсан гувоҳи бўлган ёки ўзи эга бўлган маълумотларни судга ёхуд тергов органига тақдим этиш учун қақрилган шахс[10].

Н. Е. Павловнинг таъкидлашича, лугавий манбалардаги гувоҳ ҳақидаги тушунчалар тўлиқ бўлмай, бу шахснинг гувоҳ сифатида иштирокини торайтиради. Гувоҳ нафақат муайян воқеанинг ёки ҳодисанинг шахсан гувоҳи бўлган шахс, балки жиноий ҳодисанинг оқибати билан тўқнаш келган ҳамда ўз фуқаролик бурчини бажариб, жиноятчини ушлашга кўмаклашган шахс ҳамдир[11]. Шундай фикрни Родевич Л. И. ҳам қувватлайди[12].

Юқоридаги турфа фикрларни жамлаб, уларнинг асосий жиҳатларига муносабат билдирадиган бўлсак, жиноят процессидаги гувоҳнинг мақоми ва унинг бажарадиган вазифаси бир тушунчага асосланади, яъни жиноят иши бўйича аниқланиши зарур бўлган ҳолат ҳақида маълумотга ҳамда судда, суриштирувда ёки терговда кўрсатув бериш ихтидорига эга бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ

---

---

сифатида иштирок этиши мумкин. Шундай талаб Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 65-моддаси мазмунидан ҳам келиб чиқади. Унда кўрсатилишича, жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин.

Қайд этилган қоидалан гувоҳнинг мақомига оид бир неча йўналишларни аниқлаб олиш мумкин, булар: 1) шахсни сўроқ қилиш учун чақирилишига, унинг жиноят иши бўйича аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар ҳақида муайян маълумотга эгаллиги кифоя қилади; 2) гувоҳ нафақат муайян ҳодисанинг шохиди, шу билан бирга, иш бўйича бошқа маълумотларга эга бўлган шахс ҳамдир; 3) фуқаро қонунда белгиланган тартибда терговга, ишни суриштирувда юритишга ёки судга чақирилиши вақтидан бошлаб, гувоҳнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

Юқориди келтириб ўтилган "ҳар қандай шахс" тушунчаси рамзий маънони англатади. Негаки, жиноят-процессуал қонунчилиги гувоҳ сифатида иштирок этиши мумкин бўлган шахсларнинг доирасини муайян даражада чегаралайди. Жумладан, ЖПКнинг 115-моддасига кўра, қўйидаги шахслар жиноят процессида гувоҳ тариқасида иштирок этишлари мумкин эмас: 1) судья ва халқ маслаҳатчиси - ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида; 2) ҳимоячи, шунингдек жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили - жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида; 3) руҳий ёки жисмоний нуқсонли сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатни тўғри идрок этиш ва бу ҳақда кўрсатув бера олиш лаёқатига эга бўлмаган шахс.

Мазкур қонун талабининг мазмунидан гувоҳнинг жиноят процессидаги иштироки билан боғлиқ масалада икки жиҳатни кўриш мумкин. Биринчиси, гувоҳ сифатида иштирок этишга жалб қилинишдан процессуал-ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахслар (биринчи ва иккинчи гуруҳга тааллуқли иштирокчилар); иккинчиси, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлмаган шахслар (учинчи гуруҳга тегишли шахслар). Биринчисида, қонун шахслар амалга оширадиган процессуал фаолиятнинг хусусияти туфайли уларни гувоҳ сифатида иштирок этишларини ман этади; иккинчисида эса, шахс ўзининг руҳий ҳолати, саломатлиги туфайли гувоҳ сифатида жиноят ишини юритишда иштирок эта олмайди.

Демак, ЖПКнинг 65-моддаси эътироф этадиган "ҳар қандай шахс"нинг жиноят ишида гувоҳ сифатида иштирок этиш масаласи процессуал-ҳуқуқий иммунитет ва ҳуқуқий лаёқатсизлик каби элементлар билан чегараланиши мумкин.

Жиноят процессида иммунитет билан боғлиқ муаммолар кўплаб тадқиқотларнинг мавзусига айланиб улгурган. Хусусан А.Т.Алламуратовнинг ёзишича: жиноят-процессуал иммунитетлар - бу кўпбосқичли процессуал-ҳуқуқий институтлар ва субинститутларнинг йиғиндиси бўлиб, ундаги нормалар жиноят ишларини судда юритишнинг умумий қоидаларидан чегирувчи ҳамда айрим тоифадаги шахслар учун махсус юридик имтиёзлар тақдим этувчи алоҳида қоидаларни тартибга солади[13].

Яна бир фикрга биноан, жиноят-процессуал иммунитет - бу айрим тоифадаги шахсларга тақдим этилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни кўриқлашнинг кўшимча процессуал кафолатлари ҳисобланиб, улар жиноят процессида умумпроцессуал-ҳуқуқий қоидаларга амал қилиниши шарт бўлган муайян



---

---

процессуал мажбуриятларни бажаришдан айрим тоифадаги шахсларни озод этишни тартибга солувчи процессуал қоидаларда намоён бўлади. Ушбу кафолатлардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик шундай ҳуқуққа эга шахснинг ихтиёридадир[14].

Бошқа фикрга кўра, жиноят процессида иммунитет тушунчаси бугунги кунда айрим шахсларнинг судга жалб қилинишдан иммунитетга эгаллиги (жиноят-судлов иш юритувига жалб қилинишидан озод бўлиш ҳуқуқи - А.П.) ҳамда унинг шундай ҳуқуқдан маҳрум этилишига қадар амал қилиши тўғрисидаги гоёга асосланади[15].

Аслида "иммунитет" ибораси латинча *immunitas*, яъни озод бўлиш, қутилиш маъносини англатиб, жонзодлар фаолиятини бузувчи ҳаракатларга қарши тура олиш, ўзининг яхлитлигини ёки хусусийлигини сақлаб қолиш ихтиёри, организмнинг ҳимоя реакцияси тарзида тушунилади[16].

Мана шу қарашлар остида процессуалист олимлар гувоҳлик иммунитетининг тушунчасини ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, Қ. Қ. Маткаримовнинг фикрича, гувоҳлик иммунитетини - бу шахснинг қонунда мустаҳкамланган ўзига, яқин қариндошларига қарши ёки ҳизмат вазифаси муносабати билан кўрсатув бермаслик ҳуқуқи ёхуд ўз жисмоний ва руҳий нуқсонларига кўра иш учун муҳим бўлган ҳолатларни тўғри тушуниш ҳамда улар ҳақида кўрсатувлар бера олмайдиغان шахсларнинг кўрсатув бермаслиги, шунингдек жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда жиноят иши бўйича кўрсатувлар бериш мажбуриятдан озод қилувчи қонунлар мажмуидир[17].

Россиялик олим Т. Н. Москалькова гувоҳлик иммунитетини деганда, аввало айрим тоифадаги гувоҳларни ва жабрланувчиларни жиноят иши бўйича гувоҳлик беришга оид қонунда белгиланган мажбуриятлардан озод этишни ҳамда ҳар қандай шахсни ўзига қарши гувоҳлик кўрсатувларини бериш қоидаларини назарда тутувчи нормалар йиғиндиси тушунилиши лозим деб ҳисоблайди[18].

Аммо Л. И. Малахова гувоҳлик иммунитетини тушунчаси икки жиҳатга эга эканлигини таъкидлаб, муаллифга кўра, унинг биринчи жиҳати процессуал ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунчаси билан; иккинчиси, иммунитет бевосита субъектив ҳуқуқ билан боғлиқ. Аммо шулардан шахснинг қонунда руҳсат этилган ҳолатларда кўрсатув беришдан воз кечишга оид субъектив ҳуқуқи - гувоҳлик иммунитетининг асосий элементи[19].

Умуман олганда, жиноят процесси назариясида гувоҳлик иммунитетининг мазмуни борасида икки зиддиятли қараш, яъни кенг ва тор маънодаги қарашлар шаклланган. Кенг маънодаги қараш тарафдорлари гувоҳлик иммунитетини деганда кўрсатув бериш мажбуриятдан озод этувчи барча қоидаларни назарда тутиш лозимлигини эътироф этадилар[20].

Гувоҳлик иммунитетини тор маънода талқин этувчи қараш тарафдорлари эса, гувоҳнинг муайян ҳолатларда кўрсатув бериш ҳуқуқидан воз кечиш ихтиёрини назарда тутадилар[21].

Бизнингча ҳам гувоҳлик иммунитетини - бу жиноят иши ҳолатлари ҳақида муайян маълумотга (ахборотга) эга бўлган шахсларнинг кўрсатув бермаслик ҳуқуқи ёки қонунан кўрсатув бериш мажбуриятдан озод этилган жисмоний шахслардир. Негаки, гувоҳлик кўрсатувини беришдан озод бўлиш ёки ундан қутилиш фақат ҳуқуқий, тўғрироғи процессуал-ҳуқуқий лаёқатга эга шахсларга тааллуқли тушунча бўлиб, бундай лаёқатга эга бўлмаган шахсларга, яъни ақлий жиҳатдан носоғлом шахсларга процессуал иммунитет тушунчаси тегишли эмас. Чунки, процессуал

---

---

иммунитет - бу жиноят иши ҳолати бўйича фактик маълумотга эга бўлган шахснинг кўрсатув бериш мажбуриятидан озод бўлиш ҳуқуқидир. Кўрсатув бериш эса, фақат процессуал-ҳуқуқий лаёқатга эга шахснинг мажбурияти бўлиши мумкин. Ақли норасо шахс зиммасида маълумотни тўғри англаш, сақлаш ва етказиш ихтидори мавжуд эмаслиги туфайли ҳам, бундай мажбурият унинг зиммасида бўлиши мумкин эмас. Шу боис, ушбу тоифадаги шахсларга иммунитет ҳуқуқи тушунчасини қўллаш доим ҳам тўғри келавермайди, зеро улар ўзларининг ижтимоий-руҳий мақоми туфайли гувоҳ сифатида иштирок этиш имконига эга эмаслар. Бундай шахсларнинг гувоҳ сифатида иштирок этишлари учун монелик қиладиган асосий жиҳат улар эга бўлган маълумотнинг ишончсизлигидир. Агар бу масалага гувоҳ иммунитетининг вужудга келтирувчи асослар негизда қарайдиган бўлсак, унга гувоҳнинг кўрсатув бермаслик ҳуқуқи нуқтаи назардан ёндошиш керак эмас, балки айнан гувоҳнинг шундай мажбуриятдан ҳимояловчи процессуал имтиёз тушунчаси орқали ёндошиш тўғридир.

Шунга яқин фикрни О. Г. Тарнокоп ҳам илгари суради, унинг ёзишича, гувоҳ сифатида чақирилган шахснинг шахсига оид муайян жиҳатлар аниқланган тақдирда (муаллиф гувоҳнинг ўзига ва яқин қариндошларига кўрсатув бериш иммунитетига эга шахсларни назарда тутди - А.П.), иммунитет ҳуқуқи таъминланиши керак. Иш бўйича кўрсатув бериш ёки бермаслик ихтиёрини шахснинг ўзига тақдим этиш лозим. Шу боис, ўзининг соғлиғи ёки касби туфайли иш бўйича маълумот бериш манбаи бўла олмайдиган шахслар иммунитет ҳуқуқи билан таъмин этила олмайдилар. Негаки, улар ўзларининг алоҳида ҳолатлари сабабли гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари мумкин эмас[22].

Бу масалада Ю.К.Орловнинг фикри ҳам эътиборлидир, унинг таъкидлашича, гувоҳлик иммунитетига ҳамда айрим шахсларни бевосита сўроқ қилишнинг ман этилиши тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, айрим тоифадаги шахслар ҳар қандай ҳолатда, ҳаттоки уларнинг истаклари мавжудлигидан қатъи назар сўроқ қилинишлари мумкин эмас. Чунки, иммунитет - бу баъзи қонуний кўрсатмаларга бўйсунмаслик ҳуқуқидир. Ман этиш эса бир вақтнинг ўзида кўрсатув бериш истаги бўлганда ҳам, бундай ҳуқуқдан маҳрум этишни англатади[23].

Шу билан бирга, гувоҳлик иммунитетига эга бўлган шахсларнинг ўзи процессуал мақоми ҳамда фаолиятларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳусусиятига кўра бир нечта турга ажралади. Биринчиси, касбий фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан сўроқ қилинишдан ҳимояга эга шахслар. ЖПКнинг

115-моддаси ушбу тоифадаги шахсларга қуйидаги иштирокчиларни киритади: а) судья ва халқ маслаҳатчиси (ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида); б) ҳимоячи, жабранувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили (жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида);

в) шунингдек, бунга қўшимча тарзда яна гувоҳнинг адвокатини киритиш лозим. Иккинчиси, ўзининг ихтиёрига кўра сўроқ қилиниши мумкин бўлган шахслар, буларга ЖПКнинг 116-моддаси: а) гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини; б) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошларини (ота-она, эр ёки хотин, опа-сингил, ака-ука ва ҳ.) киритади.

Юқорида таҳлил қилинган масалалар асосида жиноят ишига тааллуқли ҳолатлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлган шахсларнинг жиноят процессига гувоҳ

---

---

сифатида жалб қилиш имкониятларига (процессуал мақомига) оид қуйидаги структурани таклиф этиш мумкин:

1) жиноят ҳақидаги маълумотга эга бўлган, лекин ўзи амалга оширадиган фаолиятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, гувоҳ сифатида жиноят ишига жалб қилиш мумкин бўлмаган шахслар;

2) жиноят ҳақидаги маълумотга эга бўлган, ammo фақат ўз ихтиёрига кўра жиноят ишига гувоҳ сифатида жалб қилиниши мумкин бўлган шахслар;

3) жиноят ҳақидаги маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган, лекин ўзининг руҳий ҳолати туфайли ҳодисани тўғри англаш ихтидорига эга бўлмаганлиги туфайли гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин бўлмаган шахслар.

**Агар уларнинг мазмунан қисқа таркибини белгилайдиган бўлсак, гувоҳлар қуйидаги тоифаларга бўлинади:**

- иммунитетга эга бўлган
- ихтиёрга эга бўлган
- ҳуқуқий лаёқатга эга бўлмаган

**Шундай қилиб, жиноят ишига шахсни гувоҳ сифатида жалб қилиш учун бир нечта процессуал-ҳуқуқий жиҳатлар муҳим роль ўйнайди:**

- шахснинг жиноят иши бўйича исботланиши зарур бўлган ҳолатлар юзасидан муайян маълумотга эгаллиги;

- иш бўйича зарур маълумотга эга бўлган шахснинг жиноят ишини юритишга масъул шахслар томонидан кўрсатув бериш учун чақирилганлиги;

- шахснинг ҳуқуқий лаёқатга эгаллиги;

- иммунитет ҳуқуқидан ҳоли эканлиги;

- иммунитет ҳуқуқига эга бўлсада, лекин кўрсатув бериш ихтиёрига эгаллиги (бу ерда касбий фаолияти туфайли гувоҳ сифатида сўроқ қилинишдан иммунитетга эга шахслар мустасно).

Мана шу жиҳатларнинг биргаликда мавжуд эканлиги шахсларнинг жиноят иши бўйича гувоҳ сифатида иштирок этишлари учун зарур бўлган талаблар ҳисобланади.

Мазкур талабларнинг бошқа МДҲга аъзо мамлакатлар қонунчилигида қандай хусусият касб этишини таҳлил қиладиган бўлсак, Россия Федерация ЖПКнинг 56-моддасида жиноят процессида шахснинг гувоҳ сифатида иштирок этишига асос бўлувчи ҳолатлар белгиланган, шунга кўра шахс:

а) жиноят ишини тергов қилиш ёки ҳал қилиш учун муҳим бўлган маълумотга эга бўлиши, шу боис терговга ёки суд муҳокамасига чақирилиши; б) ёши ҳамда ақлий жиҳатдан ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиши зарур.

РФ Жиноят-процессуал қонуни гувоҳларни иммунитет билан ҳам таъмин этади. Юқорида кўрсатилган моддага биноан, шахслар - а) гувоҳ сифатида ишда иштирок этиш учун жалб қилиш мумкин бўлмаган (жиноят ишини юритишга масъул бўлган шахслар, ҳимоячи ва вакиллар, диндорлар ва бошқалар), б) ўз ихтиёри билан кўрсатув бериш ҳуқуқини амалга оширувчиларга бўлинади[24].

Украина қонунчилигида гувоҳ мақомида жиноят процессида иштирок этувчи шахс - ишнинг ҳолати бўйича муайян маълумотга эга бўлиши, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан чақирилиши, иммунитет ҳуқуқидан ҳоли бўлиши зарур (Украина ЖПКнинг 65-мод.).

Украина жиноят-процессуал қонуни гувоҳлик иммунитетининг бир қанча турларини белгилайди. Жумладан гувоҳлик иммунитетига: а) муайян касбни

---

---

бажарувчи шахслар (масалан, адвокатлар, врачлар, журналистлар, судьялар ва б.); б) ижтимоий фаолиятни амалга оширувчи шахслар (диндорлар, медиаторлар), в) хориж дипломатлари эгалар. Бироқ сир тутилиши процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган маълумотнинг эгаси касбий жиҳатдан иммунитет ҳуқуқига эга шахсни мазкур мажбуриятдан озод этиши мумкин (масалан, судланувчи ҳимоячини ўзи маълум қилган маълумотни ошкор қилишга розилик билдириши ва ҳ.)[25].

Грузия жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам гувоҳларнинг мақоми билан боғлиқ ўзига хос ёндошувларни кўриш мумкин. Грузия ЖПКнинг

47-моддасига биноан судга гувоҳ сифатида чақирилган ҳар қандай шахс гувоҳлик мақомига эга бўлади, ЖПКнинг 49-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни бажаради. Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа МДҲга аъзо мамлакатларининг шундай норматив кўрсатмаларидан унчалик ҳам фарқ қилмасда, лекин гувоҳнинг иммунитетини масаласида қонунда бир қанча ўзига хос норматив ечимларни кўриш мумкин. Хусусан, мамлакат қонуни гувоҳлик иммунитетини икки турга ажратади -

а) иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар; б) мутлақо гувоҳ сифатида иштирок этиш имконига эга бўлмаган шахслар (ҳуқуқий лаёқатга эга бўлмаганлар). Шунингдек, Россия Фқдерацияси ҳамда Украина қонунларида қайд этилган шахслардан ташқари, Грузия ЖПК журналистларга, одам савдоси жиноятларининг қурбонларига (реабилитация жараёни тугагунга қадар) ҳамда Ҳалқ Ҳимоячиси (жамоат ҳимоячиси алоҳида ташкилот сифатида шаклланган) вакилига гувоҳлик иммунитетини тақдим этади. Аммо гувоҳлик иммунитетига эга бўлган айрим шахсларнинг, масалан: тиббиёт ҳодимлари, нотариус, террорга қарши кураш хизмати ходимларининг кўрсатув бермаслик ҳуқуқи фақат суд томонидан тўхтатилиши мумкин (ЖПКнинг 50-мод.)[26].

Умуман олганда, турли мамлакатлар қонунчилигида гувоҳнинг процессуал мақомига оид хилма хил процессуал қоидаларни учратиш мумкин. Уларнинг хилма хиллиги кўпинча процессуал муносабатларни тартибга солиш услубиятлари, яъни уларни муайян моделда тартиблаш хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Масалан, англо-саксон ҳуқуқига қурилган жиноят ишларини судда юритиш тартибини белгилувчи қонунларда гувоҳ тушунчасининг умумий талаблари ишлаб чиқилган бўлиб, уларга кўра, гувоҳ сифатида ҳар қандай шахс суд муҳокамасида иштирок этиши мумкин[27]. Шу билан бирга, қонунларда гувоҳга қўйиладиган бир қанча талаблар мавжуд, шулардан муҳими гувоҳ сифатида иштирок этувчи шахс ишдаги ҳолат бўйича "ваколатли" (русчада "компетентный") бўлиши даркор. Шу боис, англо-саксон ҳуқуқига асосланган судларда "ваколатли гувоҳ" тушунчаси шаклланган. Ушбу тушунча икки маънода тушунилади. Биринчиси, кенг маънодаги тушунча бўлиб, шахснинг теварак атрофда юз бераётган ҳодисаларни тўғри аниқлаш, ҳодисаларни эса сақлаб қолиш ва улар ҳақида кўрсатувлар бера олиш ихтидори тўғрисидаги тушунчаларни ўз ичига олади. Иккинчиси, тор маънодаги тушунча бўлиб, шахснинг муайян иш бўйича муайян масалалар юзасидан муайян кўрсатувлар бера олиш ихтидори тушунилади[28].

Суд ишларини юритишнинг мазкур моделида жабрланувчи ишнинг кўрилишида гувоҳ сифатида иштирок этиши, агар судланувчи кўрсатув бериш ҳуқуқидан фойдаланадиган бўлса, у ҳам ишнинг ҳолатлари юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

---

---

Англия ва АҚШ, шунингдек англо-саксон ҳуқуқига асосланувчи мамлакат жиноят процессларида гувоҳлик иммунитетини масаласи ҳам жиддий процессуал омил ҳисобланади. Судда иш юритишни тартибга солувчи қонунларда ўзига қарши кўрсатув беришдан ҳимояланганлик шахсга тақдим этилган ўта муҳим ҳуқуқий имтиёз саналади. Қонунларга кўра, ҳеч ким ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур этилмаслиги лозим[29, Б 18].

Бундан ташқари, жиноят процессига жалб қилинаётган шахслар ўзаро ишончга ва сир тутилиши зарур бўлган маълумотларни ошкор этилишдан ҳимоя қилинадилар. Хусусан, эр-хотин, ҳимоячи-ҳимояланувчи, врач ва даволанувчи, диндор ва унга мурожаат қилувчи ўртасида мавжуд бўлган маълумотларнинг сир тутилиши қафолатланган. Бироқ, мазкур гувоҳлик имтиёзларига муайян қарағалар белгиланган. Масалан, ҳимоячининг иммунитетини фақат ўзи ҳимоя қилаётган судланувчидан олинган маълумотга тегишли. Агар адвокат ишнинг ҳолатларига тааллуқли маълумотларни мутлақо бошқа манба орқали қўлга киритса, унда адвокат ушбу маълумотни гувоҳ сифатида судга етказишга мажбур бўлади. Шунингдек, врач ва диндорларнинг гувоҳлик иммунитетини фақат АҚШнинг айрим штатларида белгиланган бўлиб, ундан маҳрум этиш суднинг ихтиёрига берилган[29, Б 19].

Жиноят процессининг бошқа ҳуқуқий-назарий модели - континентал Европа мамлакатларида, авваламбор ГФРда жиноят иши бўйича асосий далил тури сифатида гувоҳнинг кўрсатувлари эътироф этилади. Гувоҳнинг процессуал мақомига оид қоидалар ГФР ЖПКнинг 6-бобида тартибга солинган. Ушбу бобдаги қоидаларга биноан, шахснинг гувоҳлик мақоми унинг судга чақирилиши туфайли вужудга келади (ЖПКнинг 48-мод.). ГФР ЖПКнинг 481-моддасида гувоҳ тушунчасининг тарифи берилган бўлиб, шунга кўра, гувоҳ - бу шахснинг ўзига нисбатан қўзғатилмаган жиноят ишига тааллуқли ҳолатлар ва ашёлар тўғрисида ўзи кўриши ҳамда кузатиши асосида вужудга келадиган билимига таянган ҳолда, кўрсатув бериши лозим бўлган шахсдир. Шу боис, ГФРда жиноят судида ҳар бир инсон, ҳаттоки ёш болалар ва руҳий касал шахслар ҳам гувоҳлик кўрсатувини бериши мумкин[30]. Мамлакатда шаклланган жиноят-процессуал назарияда гувоҳ кўрсатувларига "шахс билан боғлиқ далил" сифатида қаралади[31].

Шу билан бирга, ГФР процессуал қонуни гувоҳлик иммунитетига ҳам алоҳида ўрин берган. Гувоҳлик иммунитетига оид норма ГФР ЖПКнинг асосан учта - 52, 53 ва 54-моддаларида тартибга солинган. Ушбу норма гувоҳлик иммунитетининг уч турини белгилайди (ЖПКнинг 52 ва 53-мод.), булар: а) шахс билан боғлиқ асосларга кўра гувоҳлик кўрсатуви беришдан озод бўлиш (яъни айбланувчи ёки судланувчи билан яқин қариндошлик муносабатига эгаллик; шахснинг ҳуқуқий лаёқатга эга эмаслиги каби ҳолатлар); б) шахснинг шугулланадиган касбига биноан гувоҳлик кўрсатуви беришдан озод бўлиш (яъни адвокатлар, диндорлар, журналистлар, депутатлар, юридик маслаҳатхона вакиллари кабилар); в) ёрдамчи шахслар (яъни гувоҳлик иммунитетига эга шахсларнинг ёрдамчилари ёки уларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишга ёрдам кўрсатган шахслар, қонуний вакиллар). Шунингдек, қайд этилган ҳолатлар суд томонидан аниқланиши ёки бўлмаса гувоҳлик берувчи шахс қасамиёдга келтирилиши лозим (ЖПКнинг 56-мод.).

---

---

Бундан ташқари, ГФР жиноят-процессуал қонунчилигида гувоҳнинг қасамиёд қилиши гувоҳлик мақомининг муҳим ва ажралмас урфи ҳисобланади. ЖПКга асосан барча гувоҳлар қасамиёд қилишлари лозим. Лекин ЖПК айрим шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати ҳамда процессуал мақомина назарда тутиб, уларни кўрсатув беришдан олдин қасамиёд қилиш урфини адо этишдан озод қилган. Жумладан, ЖПКнинг 60-моддаси

1-қисмига биноан фақат 16 ёшга тўлмаган шахслар, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ва ақли норасо шахслар қасамиёд қилмайдилар. Қасамиёд қилмаганлик, уни амалга оширмаган шахсни иш бўйича гувоҳ сифатида иштирок этишига монелик қилмайди. Чунки ГФР процессуал қонуни гувоҳларни қасамиёд қилмай сўроқ қилиш ҳолатларини ҳам назарда тутиб, булар қаторига - а) 18 ёшга тўлмаган шахсларни; иш бўйича жиддий аҳамиятга эга бўлмаган ҳолатларни тасдиқловчи гувоҳларни сўроқ қилишда ҳамда в) тарафлар гувоҳни қасамиёд қилиш зарурлиги талабини илгари сурмаётганлигига оид ҳолатларни киритади (ЖПКнинг 61-мод.).

Юқорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

биринчиси, гувоҳ - бу доимо жисмоний шахс;

иккинчиси, гувоҳ - бу жиноят ҳодисаси ёки ишнинг муайян ҳолатлари бўйича маълумотга эга бўлган шахс;

учинчиси, гувоҳ - бу ҳуқуқий лаёқатга, яъни муайян ҳодисани эслаб қолиш, идрок этиш ва тўғри етказиб бера олиш ихтидорига эга бўлган шахс;

тўртинчиси, гувоҳ - бу расмий процессуал жиҳатдан жиноят ишини юритиш жараёнига жалб қилинган (таклиф этилган, чақирилган) шахс;

бешинчиси, гувоҳ - бу жиноят процессининг субъекти сифатида қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминланган шахс;

олтинчиси, гувоҳ - бу процессуал манфаатга эга бўлмаган процесс иштирокчиси;

еттинчиси, гувоҳ - бу умумҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан жиноят иши юзасидан ўзига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятига эга бўлган ёки маълумотларни ошкор қилмаслик ҳуқуқидан озод этилган шахсдир.

Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, гувоҳнинг шахсий ҳуқуқий мақомини қуйидаги икки жиҳатга бирлаштириш мумкин:

а) моддий-ҳуқуқий - шахснинг муайян маълумотга эгаллиги, яъни маълумот манбаи эканлиги (ушбу маълумотлар мазмунан - ижобий ёки салбий (ишнинг муайян иштирокчиси учун), тасдиқловчи ёки рад этувчи (майян ҳодиса ва ҳолатларни), асословчи ёки инкор этувчи, тўғридан-тўғри кўрсатувчи ёки эгри характерда бўлиши мумкин ва ҳақозо);

б) процессуал-ҳуқуқий - шахснинг ҳуқуқий лаёқатга эгаллиги ҳамда жиноят иши бўйича ўзига маълум бўлган маълумотни ошкор қилиш мажбуриятини бажариши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, гувоҳлик мақоми борасида билимларни кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва бурчаларини, мажбуриятларини тўғри аниқлаш ва белгилаш мамлакатимизда одил судловни амалга ошириш самарасини оширишга жиддий таъбир кўрсатади. Зеро суд қарорлари шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган, суднинг ҳамда жиноят процессидаги қолган иштирокчиларнинг тўлиқ ишончига асосланган ҳолда қабул қилиниши зарурдир.

---

---

## Иқтибослар/Сноски/References:

---

1. Белкин А. Р. Теория докозывания. -М.: Норма, 1999. -С.1-2. (Belkin A. R. Theory of proof. -M.: Norma, 1999. -P. 1-2.)
2. Стецовский Ю. И., Ларин А. М. Конституционнй принцип обеспечения обвиняемому права на защиту. -М.: 1988. -С. 272-273. (The stetsivka, Y. I., Larin A. M. Konstitutsionny the principleof providing the accused the right to defense. -M.: 1988. -P. 272-273.)
3. Сельвестру Ю. Р. Доказывание-обоснование - самостоятельный элемент доказывания в уголовном судопроизводстве /Вестник Омского университета. Серия "Право". 2008. №1 (14). - С.256. (Silvestro Y. R. Proof-justification - independent element of proof in criminal proceedings /Bulletin of Omsk University. Series "Law". 2008. №1 (14). -P. 256.)
4. Хошимов Р. А. Категория "цель" в уголовном процессе: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - Челябинск, 2006. -С.10. (Hashimov, R. A. the Category of "purpose" in criminal proceedings: Avtoref. Diss... kand. the faculty of law. sciences'. -Chelyabinsk, 2006. -P. 10.)
5. Саушкин С. А. Актуальные вопросы теории и практики участия свидетеля в уголовном процессе: в досудебном производстве. Автореф. дисс...канд. юрид. наук. М., 2002. -С.16. (Saushkin S. A. Actual questions of the theory and practice of participation of the witness in criminal process: in pretrial proceedings. Abstract. dis...kand. the faculty of law. sciences'. М., 2002. -P. 16.)
6. Родевич, Л. И. Свидетель: история и современность: /Л. И. Родевич, Н. А. Агалец. - Минск: Акад. МВД Республики Беларусь, 2005. -С. 51. (Radevich, L. I. The Witness: history and modernity: / Rodevich L. I., N. A. Agalar. - Minsk: Akad. MIA of the Republic of Belarus, 2005. -P. 51.)
7. Шпилев В. Н. Сущность, содержание и форма советского уголовного процесса: Автореф. дисс... док.юрид.наук. Ленинград, ЛГУ,1984. -С. 26. (Shpilev V. N. The essence, content and form of the Soviet criminal process: autoref. Diss... Doc.the faculty of law.sciences'. Leningrad, Leningrad state University,1984. -P. 26.)
8. Басецкий, И. И. Свидетель в уголовном процессе. -Минск: Акад. МВД Республики Беларусь, 1999. -С.29. (Baseski, I. a Witness in criminal proceedings. -Minsk: Akad. MIA of the Republic of Belarus, 1999. -P. 29.)
9. Ақобиров С. Ф., Мағруфов З. М., Маматов Н. М. и др. Русско-узбекский словарь. В 2-х т. -Т.: Главная редакция УзСЭ, 1984. -т.2. -С.393. (Akobirov S. F., Magrupova Z. M., Mamatova N. M. and others Russian-Uzbek dictionary. In 2-x T. -T.: the Main edition of UzSE, 1984. -vol. 2. -P. 393.)
10. Толковый словарь современного русского языка, Д. Н. Ушаков -М.: "Аделант", 2013. -С.614. (Explanatory dictionary of modern Russian language, D. N. Ushakov -M.: "Adelant", 2013. -P. 614.)
11. Павлов Н. Е. Долг свидетеля. -М.: 2001. -С.27. (Pavlov N. E. the Duty of a witness. -M.: 2001. -P. 27.)
12. Родевич, Л. И. Свидетель: история и современность. -Минск: Акад. МВД Республики Беларусь, 2005. -С.51. (Rodevich, L. I. Witness: history and modernity. -Minsk: Akad. MIA of the Republic of Belarus, 2005. -P. 51.)
13. Алламуратов А. Т. Иммуитеты в уголовном процессе Республики Узбекистан: Автореф. дисс...канд. юрид. наук. Т., ТГЮИ, 2004. -С.20. (Allamuratov A. T. Immunities in criminal proceedings of the Republic of Uzbekistan: author. Diss...kand. the faculty of law. sciences'. Т., tgui, 2004. -P. 20.)
14. Корякин И. П. Иммуитет в уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс...канд. юриду наук Караганда, 2003. -С.20. (Koryakin I. P. Immunity in criminal proceedings: author. Diss...kand. the faculty of law Sciences, Karaganda, 2003. -P. 20.)
15. Агаев Ф. А. Иммуитеты в Российском уголовном процессе: Автореф. дисс...канд.юрид.наук. М., Московский юрид.инс-т МВД РФ, 1997. -С. 15. (Agaev F.A. Immunities in the Russian criminal process: autoref. Diss...PhD.the faculty of law.sciences'. М., the Moscow faculty of law.inst of Ministry of internal Affairs of the Russian Federation, 1997. -P. 15.)
16. Российская социологическая энциклопедия /Под общей редакцией акад. РАН Г. В. Осипова. -М.: Изд. НОРМА-ИНФРА, -М.: 1998 . -С.152. (The Russian sociological ENCYCLOPAEDIA / Under the General editorship Acad. Ran G. V. Osipova. -M.: Ed. NORMA-INFRA-M.: 1998 . -P. 152.)
17. Маққаримов Қ. Қ. Ғувоҳлик иммуитетининг жиноят-процессуал асослари: юрид. фан.номзоди диссер... Автореф. Т., ТДЮИ. 2012. -Б.7. (Matkarimova Q.Q Criminal-prosessual basis of the witness immunity: Jurid. science.candidate dissertation... Authoref. The T., TDYUI. The 2012. - 7p)
18. Москалькова Т. Н. Этика уголовно-процессуального доказывания (стадия предварительного расследования). М., 1996. С. 47. (Moskalkova T. N. Ethics of criminal procedural evidence (preliminary investigation stage). М., 1996. P. 47.)

---

19. Малахова Л. И. Свидетельский иммунитет в уголовном судопроизводстве РФ: проблемы правовой регламентации. Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Право. // Уголовное право. Уголовный процесс. Криминалистика. №1, 2017. -С.246-247. (Malakhova L. I. Witness immunity in criminal proceedings of the Russian Federation: problems of legal regulation. Bulletin of Voronezh state University. Series: Right. //Criminal law. Criminal proceeding. Criminalistics. №1, 2017. - P. 246-247.)

20. Никитин С. Ю. Свидетельский иммунитет в российском уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Челябинск, 2005. С. 13. (Nikitin S. Yu. Witness immunity in the Russian criminal process: autoref. dis. ... kand. the faculty of law. sciences'. Chelyabinsk, 2005. P.13.)

21. Масалан шундай фикрни Л. М. Корнеева ва И. Кертес ҳимоя қиладилар. Қаралсин: Карнеева Л. М., Кертэс И. Проблемы свидетельского иммунитета //Советское государство и право. 1989. № 6. С. 57.

22. Тернакоп О. Г. Свидетельский иммунитет в уголовном процессе /Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. Иркутск, Байкальский государственный университет экономики и прокурорского надзора, 2015. -С.50. (Tarnacop O. G. Witness immunity in criminal proceedings /Siberian criminal procedure and forensic reading. Irkutsk, Baikal state University of Economics and prosecutorial supervision, 2015. -P. 50.)

23. Орлов Ю. К. Основы теории доказательств в уголовном процессе. М., 2001. С. 99-100. (Orlov Yu. K. Fundamentals of the theory of evidence in criminal proceedings. M., 2001. P. 99-100.)

24. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. -М.: Юрайт, 2002. ( Criminal procedure code of the Russian Federation. -M.: Yurayt, 2002.)

25. Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года. <http://www.uiaj.net/node/1099> (Criminal procedure code of Ukraine of April 13, 2012. <http://www.uiaj.net/node/1099>)

26. Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. (Criminal procedure code of Georgia.) [http://www.pravo.org.ua/files/Criminal%20justice/\\_09\\_10\\_2009.pdf](http://www.pravo.org.ua/files/Criminal%20justice/_09_10_2009.pdf)

27. Михайловская И.Б. О положении личности в англо-американском уголовном процессе / Закон о доказательствах 1938г.в Англии. -М: Госюриздат, 1981, -С.80-81. (Mikhailovskaya I. B. On the status of the individual in the Anglo-American criminal proceedings /evidence Act 1938.in England. -M: Gosyurizdat, 1981, -P. 80-81.)

28. Лоскутова Т. А. Свидетель и его показания в уголовном процессе Англии и США: Автореф. дисс... канд.юрид. наук. -Москва, Российский университет Дружбы народов, 2005. -С. 17. (Loskutova T. A. Witness, and his testimony in the criminal process of England and the United States: author. Jurid. science.candidate dissertation....--Moscow, peoples ' Friendship University of Russia, 2005. -P.17.)

29. Лоскутова Т. А. Свидетель и его показания в уголовном процессе Англии и США: Автореф. дисс... канд.юрид. наук. -С.18. (Loskutova T. A. Witness, and his testimony in the criminal process of England and the United States: author. Jurid. science.candidate dissertation.... -P. 18.)

30. Федеративная Республика Германия. Уголовно-процессуальный кодекс. -М.: Изд.фирма "Манускрипт", 1994. (Germany Criminal Procedure Code. -M.: Ed.firm "Manuscript", 1994.)

31. Kleinknecht T., Meyer-Goner L. Strafprozeßordnung. Munchen, 1995; яна: Нимеллер М. Уголовное правосудие и роль прокуратуры в системе уголовного судопроизводства ФРГ //Сов. юстиция. 1991. № 16. (Kleinknecht T., Meyer-Goner L. Strafprozeßordnung. M?nchen, 1995; Jan: Martin niemuller, M. Criminal justice and the role of public prosecution in the criminal justice system of Germany //Sov. justice. 1991. No. 16.)



---

---

## МУНДАРИЖА

<b>1. Bakhtiyor Rajabov.</b> IMPROVEMENTS REGULATION COLLECTION OF EVIDENCE IN THE CRIMINAL PROCESS.....	4
<b>2. Berdaliev Kairat Cholponkulovich.</b> METHODS OF MAKING ADMINISTRATIVE DECISIONS IN THE LAW ENFORCEMENT SPHERE.....	10
<b>3. Fayziev Shokhrud Farmanovich.</b> THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE ACTIVITY OF INQUIRY BODIES.....	17
<b>4. Kokoeva Almagul Mukhtarbekovna.</b> THE CONCEPT OF ECONOMIC CRIME: TYPES AND CLASSIFICATION.....	22
<b>5. Azizkhon Pulatov.</b> CURRENT ISSUES IN THE NOTION OF A WITNESS AND HIS STATUS IN THE CRIMINAL PROCESS.....	28

---

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ**

**JOURNAL OF LAW RESEARCH**

**2018 №9**

---



**Масъул муҳаррир:** Шохруд Файзиев

**Мусахҳиҳ:** Сураё Раҳмонова

**Техник муҳаррир:** Акбар Юлдашев

---

**Контакт Редакция журнала "Правовые исследования":  
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.  
[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz) Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz) Тел: (+998-94) 404-0000**